



Ўрта Осиё бронза-илк темир даври шаҳарларининг ўрганилиши.(XX асрнинг 70-80 йилларидаги археологик тадқиқотлар мисолида)

Хакимов Абдумухтор Абдухалимович

т.ф.ф.д (PhD) Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири
Андижон иқтисодий ва қурилиш институти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6604107>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-may 2022

Ma'qullandi: 14- may 2022

Chop etildi: 31- may 2022

KALIT SO'ZLAR

Ўрта Осиё
цивилизацияси, Жанубий
Туркменистон, Шимолий-
шарқий Эрон, Жанубий
Ўзбекистон, Марғиёна,
Бақтрия. Хоразм,
Фарғона водийси, Помир-
Фарғона экспедицияси,
Чуст маданияти,
Афросиёб, Жарқўтон,
Моддий маданият
академияси, урбанизация.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада, Ўрта Осиёнинг бронза-илк темир даври шаҳарларининг XX асрнинг 70-80 йилларида ўрганилиши ва қадимги шаҳар маданияти тарихи ҳақидаги маълумотлар археологик тадқиқотчилар тамонидан тарихшунослиги таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарларини жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган йирик шаҳарлардан бўлганлиги археологик тадқиқотчилар тамонидан асослаб берилганлиги ёритилган.

XX асрнинг 70-йиллари ўрталаридан археологик тадқиқотларнинг янги босқичи бошланди. Турли археологик экспедицияларнинг тадқиқот йўналишлари ва вазифалари қаторида урбанизация жараёнлари тараққиёти масалаларини тадқиқ этиш белгилаб олинди. Айнан шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёда илк деҳқончилик маданияти, дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиши омиллари ва асослари, уларнинг тараққиёт босқичлари масалаларини ойдинлаштиришга бағишланган археологик тадқиқотлар амалга оширила бошланди.

Шу даврда А.А. Асқаров Жанубий Ўзбекистонда урбанизация жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалалари бўйича тадқиқот ишларини олиб борди. Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларини ўрганишда олимнинг Сополли ва Жарқўтон каби ёдгорликларда олиб борган қазишма ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олимнинг маълумотларига кўра, Сополлитепа иншоотлари мустаҳкам асосда қад кўтарган бўлиб, икки қисмли тузилиш – мустаҳкам марказий қисм ва унинг атрофида мустаҳкамланмаган маскан, саккизта кўп хонали турар



жойлар қисмларининг йўлақлар билан ажралиб туриши, ҳимоя деворлари каби тузилишга эга. Ундан ташқари, кулолчилик ва металлга ишлов бериш хунармандчилиги ҳамда деҳқончиликнинг етакчи мавқега эга бўлиши ҳам Сополлитепа учун хосдир. Амударёнинг ўнг қирғоғида шаклланган Сополлитепа бронза давридаги дастлабки ўтроқ деҳқончилик маскани ҳисобланади. А.А. Асқаровнинг фикрича, кейинчалик, ўтроқ деҳқончилик жамоалари шимолий чегараларининг кенгайиши муносабати билан Сополлитепа ўзининг илгариги аҳамиятини йўқота бошлайди. Асосий марказ вазифаси йирик аҳоли маскани сифатида пайдо бўлган Жарқўтонга ўтади.

Ушбу ёдгорликда 1973 йилдан бошлаб олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида урбанизация жараёнлари тарихига оид янги материаллар тўплаш имкони пайдо бўлди. Жарқўтондаги 100 гектардан кам бўлмаган ҳудуддан арк, шахристон, ибодатхона, кўплаб уй-жойлар қолдиқлари топиб, ўрганилди. Жарқўтон ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар кўҳна шаҳарнинг ривожланган санасини аниқлаш ҳамда ушбу ҳудудларда юз берган тарихий-маданий жараёнларни бир неча босқичларга ажратиб ўрганиш имкониятини берди.

Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, Жарқўтондаги қадимги шаҳар ҳаёти дастлаб уч босқичга, яъни, Жарқўтон (мил.авв. 1500-1350 йиллар), Кўзали (мил.авв. 1350-1200 йиллар) ва Молали (мил.авв. 1200-1000 йиллар) босқичларига бўлинди. Жарқўтоннинг қарама-қаршисида, Бўстонсойнинг ўнг соҳилида ўрганилган ёдгорликлардаги

тадқиқотлар натижасида Молали босқичини икки қисмга, яъни Молали (мил.авв. 1200-1000 йиллар) ва Бўстон (мил.авв. 1000-900 йиллар) босқичларига бўлиб ўрганиш имконияти пайдо бўлди. А.А. Асқаров Ўзбекистон ҳудудидаги илк шаҳар маданиятини Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ҳудудларидаги илк шаҳарлар билан қиёсий солиштириш асосида бу жараён бундан 3,5 минг йил илгари, яъни, бронза давридаёқ бошланганлигини илмий асослади.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмидаги ўзгариб ва янгиланиб бораётган тарихий-маданий жараёнлар Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзини кечирувчи аҳоли манзилгоҳларида аҳоли сонининг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Ўрта Осиёнинг жанубида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш жараёни В.М. Массон томонидан нисбатан аниқроқ изоҳланган. Тадқиқотчи бу жараёнда иккита асосий босқични ажратган: 1) маълум воҳаларда шаҳар-давлатларнинг пайдо бўлиши; 2) улар асосида йирик ижтимоий-сиёсий тизимнинг шаклланиши. А.А. Асқаров Жарқўтонни, умумий майдони 100 гектардан кам бўлмаган шаҳар-давлат сифатида изоҳлайди. Т.Ш. Шириновнинг фикрича, Жарқўтонни Месопотамиядаги “чифдом” ва “ном”га ўхшаш кичик давлатнинг маъмурий маркази бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Аммо, Месопотамиядаги давлатлардан фарқли ўлароқ, у беқарор сиёсий бирлашма бўлган. Мил.авв. II минг йилликда Ўрта Осиёнинг жанубида



бир неча кичик давлат уюшмалари вужудга келган бўлиб Дашли 3, Гонур 1, Тўғолоқ 1, Улуғтепа, Намозгоҳтепа, Олтинтепа каби Жарқўтон ҳам улардан бирининг маркази бўлган.

Ўтган асрдаёқ фанда ишлаб чиқилган типологияга асосан, илк давлатларнинг нисбатан қадимги шакли (Месопотамияда) шаҳар-давлатлар, “номлар” ҳисобланади. Умуман олганда ном давлатлар, шаҳар-давлатлар, жамоалар ва воҳалар марказларини Жарқўтон мисолида қиёсий таҳлил қилиш мумкин.

Ш. Шайдуллаев Ўзбекистоннинг жанубидан топилган пиктографик белги – ёзувлар ҳақидаги мақоласини матбуотда эълон қилди. Тадқиқотчининг маълумотларига кўра, Жарқўтон ёдгорлигидан сополларга битилган 47 белгидан иборат ёзувнинг топилиши аجدодларимизнинг бронза даврида пиктографик ёзувни яратгани ва ўз фикрини турли белгиларда ифодалаганини кўрсатади. Бизга маълумки, ёзувнинг мавжудлиги илк шаҳарларнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

1970-1971 йиллардан бошлаб Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган, илк темир даврининг йирик ёдгорликларидан бири бўлган Қизилтепа кўҳна шаҳрида тизимли тадқиқотлар бошланди. А.С. Сагдуллаев узоқ йиллар давомида амалга оширган қазилмалар натижасида Қизилтепа мил.авв. X асрда шаклланганлигини аниқлади. Кенг кўламли изланишлар натижасида ёдгорликда аниқланган археологик мажмуалар мил.авв.VIII – VI асрларда Қизилтепа ҳудудларида йирик мустаҳкам марказ пайдо бўлганлигидан

далолат беради. Унинг ўрнида майдони 22 гектар бўлган ёки шаклланаётган шаҳар мавжуд бўлганлигини кўрсатди. Қизилтепа атрофидан ўндан зиёд уй-қўрғонлар гуруҳи аниқланган бўлиб, А.С. Сагдуллаев уларни Қизилча номлари билан атади ҳамда Қизилтепанинг қишлоқ хўжалик атрофларини ташкил этган, деган хулосага келди.

В.М. Массон томонидан Жанубий Туркменистондаги Олтинтепа ёдгорлигида олиб борилган янги тадқиқотлар биринчи бор минтақа ҳудудидаги илк шаҳарларнинг вазибалари (функциялари) борасида илмий хулосалар чиқариш имконини берди. Олим Олтинтепа ёдгорлигида тизимли қазилмаларни амалга ошириб, илк шаҳарлар “аҳоли, ишлаб чиқариш қуруллари, маданий имкониятлар марказлашган жой ҳамда доимий ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ вазибаларини бажарувчи йирик аҳоли пунктлари” бўлганлигини қайд этди. Шунингдек, тадқиқотчи бронза давридаёқ урбанизация жараёнларининг ривожланиши натижасида минтақада савдо-ҳунармандчилик шаҳарлари, атроф қишлоқ хўжалик марказлари, ҳарбий-маъмурий ва маданий-мафкуравий марказлар сифатидаги шаҳарлар мавжуд бўлганлигини ҳам таъкидлаган.

Копетдоғ олди текислигининг энг йирик ёдгорликлари Намозгоҳтепа (50 гектардан зиёд) ва Олтинтепада (25 гектар) тизимли қазилмаларни давом эттирган В.М. Массоннинг таҳлилларига қараганда, ушбу ёдгорликлар асосий хусусиятларга кўра сўнгги энеолит даврида шаклланган Геоксюр (12 гектар) каби йирик марказлар мисолида ҳам мавжуд эди. Энеолит даврининг



охирларига келиб манзилгоҳларнинг баъзиларида ҳаёт инқирозга учрайди. Бу ҳолат эса экологик сабаблар билан изоҳланади. В.М. Массон Намозгоҳтепада қўлга киритилган топилмалар асосида ёдгорликнинг кўп хонали турар жойлар марказлашган жой бўлиб қолмасдан, балки, ишлаб чиқариш фаолиятининг йирик маркази бўлганлигини ҳам аниқлади. Ёдгорликдан топилган кўп сонли металл буюмлар ва мис қотишмалари ўз даврида металлга ишлов бериш тараққий этганлигидан далолат берди. Ёдгорликларда топилган сопол идишларни ўрганиш асосида тадқиқотчи Л.Б. Кирчо бу даврда илк шаҳарлар пайдо бўлишида муҳим омил ҳисобланган хунармандчиликда кулолчилик чархининг пайдо бўлганлиги, илк бронзанинг охирларига келиб барча сопол идишлар кулолчилик чархида тайёрлана бошланиб, сополларда турли нақшлар йўқола бошлаганлигини қайд этди. Тадқиқотчи бронза даври ёдгорликлари алоҳида жойлашган кулоллар маҳаллалари аниқланганлигига таяниб, ўрта ва сўнгги бронза даврига келиб Копетдоғ олди текисликларидаги хунармандчиликда кулолчилик соҳаси жадал ривожланганлигини ва сопол идишлар бутунлай кулолчилик чархида ҳеч қандай нақшларсиз ишлаб чиқарилган деган хулосага келди. И.С. Масимов олиб борган қазилмалари натижасида Копетдоғ олди текислигида шаклланган Намозгоҳ V туридаги урбанистик маданиятнинг сўнгги даврига келиб Мурғоб ҳавзасига ёйилганлиги ва бу ерда маркази Келлили манзилгоҳи бўлган

деҳқончилик воҳаси шаклланганлигини аниқлаган.

XX аср 70-80-йилларнинг бошларида В.И. Сарианиди томонидан қуйи Мурғоб воҳасида олиб борилган тадқиқотлар диққатга сазовордир. Бунинг натижасида Мурғоб воҳасида Тўғолок ва Гонур каби бронза даври деҳқончилик туманларида ибодатхона, сарой ва қалъа қолдиқлари топиб текширилди. Бу кашфиётлар туфайли Мурғоб воҳасида илк шаҳарсозлик маданияти илдизлари аниқланди.

Бронза даврига келиб Мурғобнинг қуйи оқимларидан Хиндиқуш ва Ҳисор тоғлари олдиларигача кенг ҳудудларда бир-бирига яқин бинокорлик анъаналари, тузилишлар, турар жойлар, қурилиш услублари ва ишлаб чиқариш хўжалик буюмлари, хунармандчилик ишлаб чиқариши, аҳоли ўтроқ жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари кенг тарқалади. Ушбу далилларни инобатга олиб, В.И. Сарианиди Бақтрия-Марғиёна археологик мажмуаси тўғрисидаги муаммони мунозарага чиқарди.

Милoddан аввалги I минг йилликнинг бошларига оид ёдгорликлар кўп ҳолларда дастлаб топилиб нисбатан кўпроқ ўрганилган мажмуа номи билан Ёз I деб аталади. А. Сагдуллаевнинг фикрича, буларнинг барчаси ушбу ҳудудлардаги аҳолининг маданий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши ҳамда Бақтрия тарихий-маданий бирлиги (БИКО – Бактрийская историко-культурная общность) шаклланишининг бошланиши билан изоҳланади.

Олимнинг хулосасига кўра, Ёз I, II, III каби археологик мажмуалар БИКОнинг кейинги ривожланиш босқичларини



кўрсатади. Унинг ҳудудий ўзагини Марғиёна, Бақтрия, кейин эса Суғдиёна ташкил этади. Таъсир доираси Копетдоғ тоғ олди ҳудудлари ва Хуросон ҳисобланади.

Суғдиёна ҳудудида ҳам ушбу даврда изчил тадқиқотлар амалга оширилиши давом эттирилди. Жумладан, Афросиёб ёдгорлиги мудофаа иншоотларида илмий изланишлар олиб борган В.И. Спришевский ва Г.В. Шишкина тадқиқ этган мудофаа девор қолдиқлари тагидан “лўмбоз” усулида бунёд этилган ҳимоя деворларини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Қазиишмалар давомида илк ҳимоя иншоотлари қатламидан Бургулик-Чуст кўринишидаги қўлда ишланган нақшли сополларнинг топилганлигини таҳлил қилиш асосида тадқиқотчилар мудофаа иншооти барпо этилишида Чуст маданияти истехкомларидаги ўхшашлик бор, деган хулосага келди.

XX асрнинг 70-80-йилларида Қашқадарё воҳасида олиб борилган изланишлар ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, А.С. Сағдуллаев томонидан илк темир даврига оид Даратепа, Н.И. Крашенинникова раҳбарлигида Узунқир ёдгорликлари ўрганилди. Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар Қашқадарё воҳасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари О.Н. Лушпенконинг мақоласида ёритилди.

Суғдиёнанинг энг қадимги урбанистик марказларидан бири бўлган Ерқўрғон ёдгорлиги мудофаа иншоотлари бу даврда М. Турабеков томонидан ўрганилди. Тадқиқотчи Ерқўрғон ёдгорлиги икки қатор мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўралганлиги, ташқи деворнинг ҳудуди 150 гектарга яқин, ички деворнинг ҳудуди эса 40 гектарга

яқинлигини аниқлади. Қазиишмалар натижасида амалга оширилган таҳлилларга асосланиб М. Турабеков мил.авв. IX – VIII асрларда Ерқўрғон ўрнида ўтроқ аҳоли манзилгоҳи пайдо бўлган, деган хулосага келди. Ерқўрғон қазиишмаларининг кўпқатламлилиги мил.авв. VII – VI асрларда қўҳна шаҳар ҳудуди жадаллик билан ўзлаштирилиб борилганидан далолат беради.

Ерқўрғонда тизимли қазиишмалар олиб борган Р.Ҳ. Сулаймоновнинг таҳлилларига кўра, ёдгорликнинг ривожланиши сунъий суғориш тармоқлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Шунингдек, маҳаллий аҳамиятга молик бўлган кичик шаҳарлар ҳам мавжуд бўлган.

Р.Ҳ. Сулаймоновнинг фикрига кўра, сўнгги бронзадан илк темир даврига ўтиш билан Ўрта Осиёнинг жанубида маҳобатли диний мажмуалари ва алоҳида мудофаа иншоотларига эга бўлган, алоҳида хўжаликлардан иборат илк шаҳар марказлари (Жарқўтон, Даштли 3), баланд ғишт пойдеворли кўрғонлари бўлган манзилгоҳлар (Ёзтепа, Тиллатепа, Улкантепа) билан алмашади. Мил.авв. VII – VI асрлардан бошлаб, шунга ўхшаш манзилгоҳлар (Улкан III, Қизилтепа, Узунқир, Афросиёб, Ерқўрғон) мудофаа деворлари билан ўраб олинади. Шаҳарларни ўраб турган мудофаа деворлари уларни атроф қишлоқ хўжалик ҳудудларидан ажратиб турган. Бу ҳудудда кейинчалик қисқа вақт ичида шаҳаролди шаклланиб, одатда ушбу ерларда хунармандчилик ишлаб чиқариши, қабристонлар, диний иншоотлар ва саройлар жойлашган.

Мазкур даврда ҳам Зарафшоннинг қуйи оқимларида урбанизация



жараёнларининг шаклланиши масаласига доир изчил изланишлар олиб борилди. Бухоро воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш орқали қадимги Суғдиёнада энеолит ва бронза давридан бошлаб деҳқончилик маданиятининг ривож топганини Зарафшоннинг юқори оқимидаги Саразм маданияти мисолида, қуйи Зарафшондан топилган Замонбобо маданиятлари мисолида кузатиш мумкин. Босқичма-босқич тараққиёт натижасида мил.авв. V – IV асрларга келиб ҳозирги Бухоро шаҳри ўрни ва атрофларида шаҳарсозлик маданияти ривожланганлиги кузатилади.

Хоразм воҳасидаги шаҳарлар шаклланишига доир тадқиқотлар эса О.А. Вишневская томонидан давом эттирилди. Кўзалиқир ёдгорлигидаги тизимли қазилмаларни давом эттириш асосида у ёдгорликнинг воҳа ҳудудидаги илк шаҳар эканлигини исботлади.

М.Г. Воробьева эса Дингилжа ёдгорлигидаги тадқиқотларни давом эттириш асосида унинг илк темир даврига оид истеҳкомли қўрғон бўлганлигини аниқлади. Изланишлар таҳлилига кўра, мил.авв. I минг йилликнинг биринчи чорагига келиб қадимги Хоразм ҳудудларида суғорма деҳқончилиكنинг тараққий этиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида ибтидоий жамоа муносабатлари ўрнига давлатчилик тизими шакллана бошлайди. Ушбу тизимнинг шаклланишида қадимги шаҳарларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди.

Сўнгги бронза даврида қадимги Хоразм аҳолиси хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири сифатида

чорвачилик ҳам муҳим ўрин тутган. Чорвачилик хўжалигида йилқичилик асосий ўринда бўлиб, отлардан юк ташиш ва сафарга чиқишда фойдаланилган.

Айрим манзилгоҳлардан от анжомларининг топилиши шу жараёндан далолат беради. Ўтроқ деҳқончилик қабиаларининг чорвачилиги уй чорвачилиги хусусиятига эга эди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил.авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Оролбўйидаги хўжалиги асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган қабиалар ўртасида фарқлар шакллана бошлайди. Мил.авв. VII – VI асрларга келиб эса, улар маданияти ўртасида кескин фарқланиш сезилади.

XX асрнинг 80-йилларига келиб Ю.А. Заднепровский томонидан Чуст маданияти ёдгорликлари таркибига кирувчи Далварзин, Чуст, Ашқолтепа объектларида тадқиқотлар давом эттирилди. Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида ҳам ана шундай марказлар пайдо бўлади. Буларга Ёз, Яшилли (Туркменистон), Кучуктепа, Чироқчи, Бурғулук (Ўзбекистон); Шаҳристон (Тожикистон) ва бошқа деҳқончилик марказлари киради. Ушбу бир-бирига ўхшаш деҳқончилик марказлари орасида даври жиҳатдан нисбатан қадимгиси Чуст ёдгорликлари ҳисобланган.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 70-йилларида Жанубий Туркменистондаги бронза даврига оид йирик ёдгорликлар –Намозгоҳтепа ва Олтинтепа Ўрта Осиёдаги илк шаҳарлар аҳоли масканлари сифатида талқин қилинди. Олтинтепанинг меъморчилик хусусияти ўрганилиши натижасида йирик уй-жойлар (“йўлбошчи уй-жойи”,



“коҳин уйи”) ҳамда оддий турар жойларнинг мавжудлиги аниқланди . Олтинтепада олиб борилган тадқиқотлар натижаларига бағишланган В.М. Массоннинг монографиясида илк шаҳар марказлари ва қадимги цивилизациялар ривожланишининг археологик белгилари очиб берилган . Тадқиқотчининг фикрига кўра, Ўрта Осиёнинг жанубида бронза даври шаҳарлари иқтисодий, диний-эътиқод марказлари сифатида вужудга келган. Шунингдек, В.М. Массон А.А. Асқаров томонидан Сурхон воҳасида Сополли, Жарқўтон, В.И. Сарияниди раҳбарлигида Шимолий Афғонистондаги Даштли каби ёдгорликларда амалга оширилган тадқиқотларнинг долзарблигини қайд этган .

Ўтган асрнинг 70-80-йилларидаги археологик кашфиётлар бронза асри ва илк темир даври ёдгорликлари тўғрисидаги билимлар доирасини аввалги йилларга нисбатан анча кенгайтириб, янги илмий қарашлар махсус тадқиқотларда ўз аксини топди . Ушбу илмий изланишлар туфайли Ўрта Осиёда илк шаҳарлар шаклланиши

ўчоқлари аниқланди. Минтақа жанубида мил.авв. II минг йилликнинг бошларига келиб, ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, ҳунармандчилик ва Қадимги Шарқнинг қўшни вилоятлари билан иқтисодий-маданий алоқалар асосида шаҳарлар вужудга келган. Ушбу омиллар жанубий ҳудудлардан бошқа ҳудудларга (Хоразм, Тошкент воҳаси, Фарғона водийсига) нисбатан ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг умумий ривожини тезлаштиришга имкон берган.

XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, Ўрта Осиёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида “Окс цивилизацияси”, “Марғиёна ва Бақтрия цивилизациялари” тўғрисидаги масалалар хорижий адабиётларда ҳам кенг муҳокама қилинган . Умуман олганда, XX асрнинг 70-80 йилларида археологик маълумотларнинг кенгайиши натижасида Ўрта Осиёдаги бронза асри ва илк темир даври шаҳарлар тарихини яхлит тарзда жамлаб таҳлил этиш учун янги имкониятлар пайдо бўлди.